O’zbekiston Respublikasi Namangan viloyati Namangan tumani hokimining QARORI

2020 yil “22” сентябрь Toshbuloq shaharchasi №799 sonli

Ижтимоий муҳофазага муҳтож, иш топишда қийналаётган ва меҳнат бозорида тенг шартларда рақобатлаша олмайдиган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларини 2021 йил учун банд қилиб қўйиш тўғрисида

“Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 17-моддаси, “Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 25-моддаси, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 5 мартдаги “2019 йилда аҳоли бандлигини таъминлаш ва янги иш ўринларини ташкил этиш бўйича давлат буюртмаси тўғрисида”ги ПҚ-4227-сон Қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 5 декабрдаги 965-сон қарори билан тасдиқланган “Ижтимоий муҳофазага муҳтож, иш топишда қийналаётган ва меҳнат бозорида тенг шартларда рақобатлаша олмайдиган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларининг энг кам сонини белгилаш ва захирага қўйиш тартиби тўғрисида”ги Низом, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирининг 2019 йил 10 майдаги 19-2019-Б-сон буйруғи билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан субсидия ва грантлар ажратиш тартиби тўғрисида”ги Низомга (рўйхат рақами 3163, 2019 йил 31 май) асосан, ижтимоий муҳофазага муҳтож, иш топишда қийналаётган ва меҳнат бозорида тенг шартларда рақобатлаша олмайдиган шахсларни ишга жойлаштириш мақсадида туманда 2021 йил учун иш ўринларини банд қилиб қўйиш мақсадида

ҚАРОР ҚИЛАМАН

1. Тумандаги ижтимоий муҳофазага муҳтож, иш топишда қийналаётган ва меҳнат бозорида тенг шартларда рақобатлаша

O'ZBEKISTON RESP. NAMANGAN VILOYATI NAMANGAN TUMANI HOKIMLIGI UMUMIY BO'LIMI

ASLIGA TO'G'RI UMUMIY BO'LIM MUDIRI

олмайдиган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш жойларининг энг кам миқдорини белгилаш бўйича комиссия таркиби 1-иловага мувофиқ;

2021 йилда мазкур тоифадаги шахслар учун иш жойларининг энг кам миқдори белгиланган корхоналар, ташкилотлар ва муассасалар рўйхати 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. “Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 17-моддасига асосан туманда ижтимоий муҳофазага муҳтож, иш топишда қийналаётган ва меҳнат бозорида тенг шартларда рақобатлаша олмайдиган шахслар *(Кейинги ўринларда ижтимоий муҳофазага муҳтож шахслар деб юритилади)* учун иш ўринларининг энг кам миқдори (2-илова) ходимларнинг рўйхат бўйича ўртача 378 нафар иш ўрнини ташкил этадиган 10,0 фоиз миқдорида,

шу жумладан:

- ногиронлар учун 3,0 фоиз (112,5 иш ўрни);

- умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларини тамомлаган ёшлар, шунингдек, олий таълим муассасаларининг давлат грантлари бўйича таълим олган битирувчилари учун 3,5 фоиз (131 та);

- ўн тўрт ёшгача ва ногирон болалари бўлган ёлғиз ва кўп болали ота-оналар учун 2,2 фоиз (83 та);

- пенсияолди ёшидаги шахслар учун 0,5 фоиз (18,5 та);

сафарбарлик чақируви заҳирасида хизматни ўтаган ва Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари сафларидан муддатли ҳарбий хизматдан бўшатилган шахслар учун 0,3 фоиз (10 та);

- жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган ёки суднинг қарорига кўра тиббий тусдаги мажбурлов чоралари қўлланилишидан озод қилинган шахслар учун 0,3 фоиз (12 та);

- ижтимоий муҳофазага муҳтож шахсларнинг бошқа тоифалари, шу жумладан одам савдоси қурбонлари учун 0,29 фоиз (11 та) миқдорида иш ўринлари заҳираси белгилансин.

3. Ижтимоий муҳофазага муҳтож шахслар учун иш ўринлари санитария-гигиена меъёрларига ва ходим ўз меҳнат мажбуриятларини тўсиқсиз бажаришини таъминлайдиган меҳнат қилиш шароитларига, шу жумладан, қуйидагиларга мувофиқ бўлиши керак:

- 14 ёшгача ва ногирон болалари бўлган ёлғиз ва кўп болали ота-оналар учун – болаларни тарбиялаш ва меҳнат мажбуриятлари бўйича мажбуриятлар бажарилишини бирга қўшиб олиб бориш имконини берувчи ишнинг мослашувчан жадвалига эга;

UMUMIY BO'LIMI
ASLIGA TO'G'RI
UMUMIY BO'LIM
MUDIRI

учун захирага қўйилишини ва тайёрлигини таъминласин, шунингдек, бу ҳақда йил бошлангунга қадар туман Аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказини хабардор қилсин;

- ижтимоий муҳофазага муҳтож шахслар учун иш ўринларининг қолган қисмини захирага қўйиш ташкилот (иш берувчи) томонидан 2021 йилнинг биринчи чораги мобайнида таъминласин, бу ҳақда туман Аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказига биринчи чорак тамом бўлгандан кейин 10 кундан кечиқмай хабардор қилсин;

- ҳар ойда ҳисобот ойидан кейинги ойнинг 5-кунигача туман Аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказига "Ижтимоий муҳофазага муҳтож, иш топишда қийналаётган ва меҳнат бозорида тенг шартларда рақобатлаша олмайдиган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларининг энг кам сонини белгилаш ва заҳирага қўйиш тартиби тўғрисида"ги Низомнинг 5-иловасига мувофиқ шакл бўйича ахборот тақдим этсин;

- ижтимоий муҳофазага муҳтож шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринлари тайёрлиги тўғрисида ахборот тақдим этилмаслиги, тенг даражада захирага қўйиладиган иш ўринларининг белгиланган сони ҳисобига ишга жойлаштириш учун иш ўринларининг амалда тайёр эмаслиги туман Аҳоли бандлигига кўмаклашиш маркази томонидан туман ҳокимининг қарори бажарилмаслиги сифатида қаралиши лозимлиги қайд этилсин.

6. Туман ҳокимининг ижтимоий муҳофазага муҳтож шахслар учун иш ўринларининг энг кам сонини белгилаш бўйича ушбу қарори бажарилмаганда, шунингдек, бундай шахсларни ишга қабул қилиш асоссиз равишда рад этилганлиги учун ташкилот, корхона ва муассасаларнинг мансабдор шахсларига нисбатан Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларига асосан маъмурий жавобгарлик белгиланганлиги алоҳида қайд этилсин.

7. Туман аҳоли бандлигига кўмаклашиш маркази "Ўзбекистон Республикаси Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан субсидия ва грантлар ажратиш тартиби тўғрисида"ги Низомга (рўйхат рақами 3163, 2019 йил 31 май) асосан субсидиялар ажратиб бериш тартиби амалиётга жорий этилганлигини ҳисобга олиб, ижтимоий эҳтиёжманд аҳоли қатламларига мансуб шахсларни квоталанган энг кам сондан ортиқ миқдорда ишга қабул қилган ташкилотларга – ҳар бир ходим учун 12 ой давомида ҳар ойда базавий ҳисоблаш миқдорининг 2 баравари миқдорида ҳақ тўлашни таъминлансин.

ASLIGA TO'G'RI
UMUMIY BO'LIM
MUDIRI

- умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларини тамомлагандан кейин касбни эгаллаган ёшлар, шунингдек, олий таълим муассасаларининг давлат грантлари бўйича таълим олган битирувчилари учун – уларнинг касбий тайёргарлигига мувофиқ;

- сафарбарлик чақируви заҳирасида хизматни ўтаган ва Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари сафларидан муддатли ҳарбий хизматдан бўшатилган шахслар учун – уларнинг профессионал тайёргарлигига мос;

- ногиронлар учун – меҳнат шароитлари бўйича аттестациядан ўтказилган ва ходимга уларнинг соғлиғи ҳолатини ва меҳнат фаолиятига тўғри келмайдиган белгиланган зидликлар ҳисобга олинган ҳолда меҳнат операцияларини тўсиқсиз бажариш имконини берадиган;

- пенсияолди ёшидаги шахслар учун – уларнинг касбий тайёргарлигига мос бўлган ёки махсус малакани талаб этмайдиган;

- жазони ижро этиш муассасаларидан ёки суднинг қарорига кўра тиббий тусдаги мажбурлов чоралари қўлланилган шахслар учун – уларнинг касбий тайёргарлигини ҳисобга олган ҳолда ёки махсус малакани талаб этмайдиган ;

- одам савдоси қурбонлари учун – уларнинг қасбий тайёргарлигини ҳисобга олган ҳолда ёки махсус малакани талаб этмайдиган;

4. Қуйидаги иш ўринлари банд қилиб қўйиладиган касблар ва лавозимлар этиб белгилансин:

муҳандис, иқтисодчи, ҳисобчи, ҳуқуқшунос, зоотехник, агроном, шифокор, ҳамшира, кичик тиббий ходим, иш юритувчи, ўқитувчи, тарозибон, электрик, фаррош, ўтёқар, ободонлаштириш ишчиси, омборчи, ЭҲМ оператори, юкчи, ишчи, боғбон, қоровул, ўқитувчи.

5. Тумандаги мавжуд корхона, ташкилот ва муассасаларнинг раҳбарлари:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 5 декабрдаги 965-сон қарори билан тасдиқланган “Ижтимоий муҳофазага муҳтож, иш топишда қийналаётган ва меҳнат бозорида тенг шартларда рақобатлаша олмайдиган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларининг энг кам сонини белгилаш ва заҳирага қўйиш тартиби тўғрисида”ги Низомга мувофиқ ушбу қарорнинг 2-иловасида кўрсатилган иш ўринлари ташкил этилишини таъминласин;

2021 йил бошланишидан камида 10 кун олдин, захирага қўйиладиган умумий иш ўринлари сонининг камида 25 (йигирма беш) фоизи ижтимоий муҳофазага муҳтож шахсларни ишга жойлаштириш

UMUMIY BO'LIMI

ASLIGA TO'G'RI
UMUMIY BO'LIM
MUDIRI

8. Туман Аҳоли бандлигига кўмаклашиш маркази (И.Арипов) мазкур қарорни беш кун муддатда қарорнинг 2-иловасида кўрсатилган ташкилот, корхона ва муассасаларнинг раҳбарлари эътиборига етказилишини таъминласин.

9. Мазкур қарор “Истиқлол” газетасида расман эълон қилинсин ва туман ҳокимлигининг расмий веб сайтига жойлаштирилсин.

10. Ушбу қарор расман эълон қилинган кундан бошлаб 3 ойдан кейин кучга киради.

11. Мазкур қарор ижросини назорат қилиш туман ҳокимининг биринчи ўринбосари А.Ахмадалиев зиммасига юклатилсин.

Туман ҳокими **С.Мўминов**

O'Z-N RESP NAMANGAN VILOYATI NAMANGAN TUMANI HOKIMLIGI
UMUMIY BO'LIMI

ASLIGA TO'G'RI
UMUMIY BO'LIM
MUDIRI

Туман ҳокимининг
2020 йил 22 сентябрдаги
799 сонли қарорига
1-илова

Тумандаги ижтимоий муҳофазага муҳтож, иш топишда қийналаётган ва меҳнат бозорида тенг шартларда рақобатлаша олмайдиган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш жойларининг энг кам миқдорини белгилаш бўйича комиссия таркиби

Комиссия раиси:

1. А.Ахмадалиев - Туман ҳокимининг биринчи ўринбосари

Комиссия раисининг ўринбосари:

2. Б.Турғунов - Туман аҳоли бандлигига кўмаклашиш маркази директори

Комиссия аъзолари:

3. Д.Хошимова - Туман ҳокимининг ўринбосари
4. А.Ғанибоев - Туман ҳокимлиги ҳузуридаги вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссия масъул котиби
5. М.Набиева - Туман Халқ таълим муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими мудири
6. А.Мавланов - Туман ҳокимлиги ҳузуридаги жазони ижро этиш жойлардан бўшатилган шахсларда ижтимоий кўникмалар ҳосил қилиш маркази раҳбари ўринбосари

Комиссия котиби:

7. Х.Мустафоқулов - Аҳоли бандлигига кўмаклашиш маркази Ишсизларни ишга жойлаштириш ва ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўлимининг бошлиғи

Изоҳ: *Комиссия аъзолари бошқа ишга ўтган тақдирда, уларнинг ўрнига янги тайинланган шахслар комиссия аъзоси ҳисобланади.*

Туман ҳокимининг
биринчи ўринбосари **А.Ахмадалиев**

Наманган туман ҳокимининг 2020 йил "__" "_____" даги
№__-сонли қарорига
2-илова

Тумандаги ижтимоий муҳофазага муҳтож, иш топишда қийналаётган ва меҳнат бозорида тенг шартларда рақобатлаша олмайдиган шахслар учун иш жойларининг энг кам миқдори белгиланган корхоналар ва ташкилотлар рўйхати

Т.Р	Корхона ва ташкилот номи	Жами ишловчилар сони	Яратилиши лозим бўлган иш ўрни сони	Шу жумладан													
				Ногиронлар учун (3фоиз)		Умумий ўрта ва ўрта махсус, касб ҳунар таълими муассасаларини тамомлаган ёшлар, шунингдек, олий таълим муассасаларининг давлат грантлари бўйича таълим олган битирувчилари учун		Ўн тўрт ёшгача болалари ва ногирон болалари бўлган ёлғиз ва кўп болали ота ва оналар учун		Пенсияолди ёшидаги шахслар учун		Сафарбарлик чақируви захирасида хизматни ўтаган ва Ўзбекистон Республикаси Қуролли кучлари сафларидан муддатли ҳарбий хизматдан бўшатилган шахслар учун		Жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган ёки суднинг қарорига кўра тиббий характердаги мажбурий чоралари қўлланилишидан озод қилинган шахслар учун		Ижтимоий ҳимояга муҳтож шахсларни бошқа тоифалари, шу жумладан одам савдоси қурбонлари учун	
				Сони	Фоизи	Сони	Фоизи	Сони	Фоизи	Сони	Фоизи	Сони	Фоизи	Сони	Фоизи	Сони	Фоизи
1	Наманган туман Тиббиёт бирлашмаси	1748	175,0	52,0	3,0	61,0	3,5	32,0	1,8	9	0,5	7,0	0,4	9	0,5	5,0	0,29
2	Ободонлаштириш бошкармаси	190	19,0	6,0	3,2	7,0	3,7	3,0	1,6	1	0,5	1,0	0,5	0	0,0	1,0	0,5
3	Наманган туман йўллардан фойдаланиш унитар корхонаси	85	7,0	3,0	3,5	2,0	2,4	2,0	2,4	0,5	0,6	0,0	0,0	0	0,0	0	0
6	Наманган Тола текстиль МЧЖ	367	37,0	11,0	3,0	13,0	3,5	7	1,9	2	0,5	2,0	0,5	2	0,5	0	0,00
7	"RAYXON TOLA" МЧЖ	134	14,0	4,0	3,0	5,0	3,7	3	2,2	0,5	0,4	0,0	0,0	0	0,0	1,0	0,7
8	2-сонли мактаб	66	7,0	2,0	3,0	2,0	3,0	2	3,0	0	0,0	0,0	0,0	0	0,0	1	1,5
9	3-сонли мактаб	88	9,0	2,0	2,3	3,0	3,4	3	3,4	0	0,0	0,0	0,0	0	0,0	1	1,1
10	7-сонли мактаб	31	3,0	1,0	3,2	1,0	3,2	0,5	1,6	0,5	1,6	0,0	0,0	0	0,0	0	0
11	8-сонли мактаб	103	10,0	3,0	2,9	4,0	3,9	2	1,9	0	0,0	0,0	0,0	0	0,0	1	1,0
12	10-сонли мактаб	47	5,0	1,5	3,2	1,5	3,2	2	4,3	0	0,0	0,0	0,0	0	0,0	0	0
13	15-сонли мактаб	65	6,5	2,0	3,0	2,0	3,1	1,5	2,3	0	0,0	0,0	0,0	0	0,0	1	1,5
14	16-сонли мактаб	73	7,0	2,0	2,7	3,0	4,1	1,0	1,4	1	1,4	0,0	0,0	0	0,0	0	0
15	18-сонли мактаб	68	7,0	2,0	3,0	2,0	2,9	3	4,4	0	0,0	0,0	0,0	0	0,0	0	0
16	23-сонли мактаб	74	7,5	2,0	2,7	2,5	3,4	2	2,7	1	1,4	0,0	0,0	0	0,0	0	0
17	24-сонли мактаб	69	7,0	2,0	2,9	2,0	2,9	3	4,3	0	0,0	0,0	0,0	0	0,0	0	0
18	25-сонли мактаб	68	7,0	2,0	3,0	2,0	2,9	2	2,9	1	1,5	0,0	0,0	0	0,0	0	0
19	27-сонли мактаб	104	10,0	3,0	2,9	4,0	3,8	2	1,9	1	1,0	0,0	0,0	0	0,0	0	0
20	28-сонли мактаб	59	6,0	2,0	3,4	2,0	3,4	2	3,4	0	0,0	0,0	0,0	0	0,0	0	0
21	30-сонли мактаб	142	14,0	4,0	2,8	5,0	3,5	3	2,1	1	0,7	0,0	0,0	1	0,7	0	0
22	31-сонли мактаб	37	4,0	1,0	2,7	1,0	2,7	2	5,4	0	0,0	0,0	0,0	0	0,0	0	0
23	37-сонли мактаб	60	6,0	2,0	3,3	2,0	3,3	2	3,3	0	0,0	0,0	0,0	0	0,0	0	0
24	39-сонли мактаб	56	6,0	2,0	3,6	2,0	3,6	2	3,6	0	0,0	0,0	0,0	0	0,0	0	0
25	41-сонли мактаб	40	4,0	1,0	2,5	2,0	5,0	1	2,5	0	0,0	0,0	0,0	0	0,0	0	0
	Жами	**3774**	**378,0**	**112,5**	**3,0**	**131,0**	**3,5**	**83,0**	**2,2**	**18,5**	**0,5**	**10,0**	**0,3**	**12**	**0,3**	**11,0**	**0,29**

ASLIGA TO'G'RI
UMUMIY BO'LIM
MUDIRI

Наманган туман ҳокимининг биринчи ўринбосари **А.Ахмадалиев**

Аҳолини бандлигига кўмаклашиш маркази директори **Б.Турғунов**

Assalomu alaykum, aziz gazetxonlar!



ISTIQLOL

NAMANGAN TUMAN HOKIMLIGINING GAZETASI

Gazeta 1962 yil 10 iyundan chiqa boshlagan ☼ www.uzistiqlol.uz ☼ 28 (5956). 2020 YIL 2 OKTYABR JUMA. BAHOSI ERKIN NARXDA.

⊙ ТАШРИФ

ЯНГИЧА ТИЗИМ МАСЪУЛИЯТ ВА НАТИЖА ТАЛАБ ҚИЛАДИ

Вилоят ҳокими Шавкатжон Абдураззоқов шу йил 1 октябрь куни аҳолининг бугунги ҳаёт тарзи, уларнинг муаммоларини ўрганиш ва ҳал этилишида яқиндан ёрдам бериш, тадбиркорлик субъектлари фаолияти, соҳаларда олиб борилаётган ишлар, фуқароларнинг бандлиги ва ижтимоий ҳимоясини таъминлаш, истиқболли лойиҳаларни амалга ошириш масалалари билан танишиш мақсадида туманимизда бўлди.

Вилоят раҳбари дастлаб, маҳаллаларда амалга оширилаётган ишлар, аҳолининг муаммолари билан яқиндан танишди. Фуқаролар билан бўлган учрашувларда уларнинг тоза ичимлик суви, электр энергияси таъминоти, кўчаларни асфальтлаш каби қатор масалалар бўйича мурожаатларини ўша жойнинг ўзида ижобий ҳал қилиш чора-тадбирларини белгилади.

Жумладан, Элатан маҳалласида 2000 нафардан зиёд аҳоли истиқомат қилади. Бу ердаги фуқаролар бир неча йиллардан бери ичимлик суви таъминотида кийналарди. Аниқроғи ичимлик сўм маҳалланинг бошқа эҳтиёжлари, яъни трансформатор қувватини ошириш ва йўлларни таъмирлашга сарфлаш учун берилди.

Намуна маҳалласидаги аҳоли билан бўлган учрашувда нуронийлар айрим кўчалардаги симёғочларнинг эскирганини айтиб, амалий ёрдам сўрашди. Бу масала ҳам тез кунда ижобий ҳал этилиши таъкидланди. Чунки, ҳар бир сектордаги инфратузилмаси яхшиланишга муҳтож бўлган биттадан маҳаллага бу ердаги муаммоларни ҳал этиш учун 500 миллион сўмдан йўналтирилади. Бу маблағлардан оқилона ва самарали фойдаланиш сектор раҳбарлари зиммасига юклатилишини вилоят ҳокими алоҳида таъкидлаб ўтди.

Қоракўл, Кичик Қурама маҳаллалари аҳолиси билан бўлган учрашувлар ҳам юқоридаги каби амалий таклиф ва мулоҳазалар тарзида ўтди. Мурожаатлари жойида ечимини топганидан фуқаролар хурсанд бўлишди.

Ташриф давомида "Обод қишлоқ", "Обод маҳалла", "Обод марказ" дастурлари доирасида қилди. Тадбиркорликни ривожлантириш, ишбилармонларни қўллаб-қувватлаш, саноат зоналаридаги ишлар кўламини кенгайтириш, аҳолининг бандлигини таъминлаш юзасидан аниқ манзилли йўл-йўриқ ва кўрсатмаларни берди.

Фуқароларнинг мурожаатлари билан ишлаш, аҳоли муаммоларини аниқлаш ва ҳал этишда янгича тизимда ишлаш, бунинг учун масъулият ва жавобгарликни ошириш, бу масалаларда ҳар бир раҳбар натижа бўйича жавоб бериши зарурлиги уқтирилди.

Куннинг ярмида вилоят ҳокими туманимиз фаоллари билан учрашиб, дилдан суҳбатлашди. Туманни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича галдаги вазифаларга фаоллар эътиборини қаратиб, қатъий ирода ва интизом билан меҳнат қилишга, ҳамжиҳатликка даъват этди.

Вилоят ҳокими Ш. Абдураззоқовнинг ташрифи туман аҳлини янгидан-янги марралар сари илҳомлантирди. Чунки, туман фаоллари, оддий одамлар билан мулоқот давомида билдирилган фикрлар ва ташаббуслар халкимиз розилиги

ТУМАН ҲОКИМИНИНГ ҚАРОРИ

ИЖТИМОИЙ МУҲОФАЗАГА МУҲТОЖ, ИШ ТОПИШДА ҚИЙНАЛАЁТГАН ВА МЕҲНАТ БОЗОРИДА ТЕНГ ШАРТЛАРДА РАҚОБАТЛАША ОЛМАЙДИГАН ШАХСЛАРНИ ИШГА ЖОЙЛАШТИРИШ УЧУН ИШ ЎРИНЛАРИНИ 2021 ЙИЛ УЧУН БАНД ҚИЛИБ ҚЎЙИШ ТЎҒРИСИДА

"Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 17-моддаси, "Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 25-моддаси, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 5 мартдаги "2019 йилда аҳоли бандлигини таъминлаш ва янги иш ўринларини ташкил этиш бўйича давлат буюртмаси тўғрисида"ги ПҚ-4227-сон қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 5 декабрдаги 965-сон қарори билан тасдиқланган "Ижтимоий муҳофазага муҳтож, иш топишда қийналаётган ва меҳнат бозорида тенг шартларда рақобатлаша олмайдиган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларининг энг кам сонини белгилаш ва заҳирага қўйиш тартиби тўғрисида"ги Низом, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирининг 2019 йил 10 майдаги 19-2019-Б-сон буйруғи билан тасдиқланган "Ўзбекистон Республикаси Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан субсидия ва грантлар ажратиш тартиби тўғрисида"ги Низомга (рўйхат рақами 3163, 2019 йил 31 май) асосан, ижтимоий муҳофазага муҳтож, иш топишда қийналаётган ва меҳнат бозорида тенг шартларда рақобатлаша олмайдиган шахсларни ишга жойлаштириш мақсадида туманда 2021 йил учун иш ўринларини банд қилиб қўйиш мақсадида

ҚАРОР ҚИЛАМАН

1. Тумандаги ижтимоий муҳофазага лари қўлланилишидан озод қилинган шахслар учун 0,3 фоиз (12 та);

- ижтимоий муҳофазага муҳтож шахсларнинг бошқа тоифалари, шу жумладан одам савдоси қурбонлари учун 0,29 фоиз (11 та) миқдорида иш ўринлари заҳираси белгилансин.

3. Ижтимоий муҳофазага муҳтож шахслар учун иш ўринлари санитария-гигиена меъёрларига ва ходим ўз меҳнат мажбуриятларини тўсиқсиз бажаришини таъминлайдиган меҳнат қилиш шароитларига, шу жумладан, қуйидагиларга мувофиқ бўлиши керак:

- 14 ёшгача ва ногирон болалари бўлган ёлғиз ва кўп болали ота-оналар учун - болаларни тарбиялаш ва меҳнат мажбуриятлари бўйича мажбуриятлар бажарилишини бирга қўшиб олиб бориш имконини берувчи ишнинг мослашувчан жадвалига эга;

- умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларини тамомлагандан кейин касбни эгаллаган ёшлар, шунингдек, олий таълим муассасаларининг давлат грантлари бўйича таълим олган битирувчилари учун - уларнинг касбий тайёргарлигига мувофиқ;

- сафарбарлик чақируви заҳирасида хизматни ўтаган ва Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари сафларидан муддатли ҳарбий хизматдан бўшатилган шахслар учун - уларнинг профессионал тайёргарлигига мос;

- ногиронлар учун - меҳнат шароитлари бўйича аттестациядан ўтказилган ва ходимга уларнинг соғлиғи ҳолатини ва меҳнат фаолиятига тўғри келмайдиган белгиланган зидликлар ҳисобга олинтайёрлигини таъминласин, шунингдек, бу ҳақда йил бошлангунга қадар туман Аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказини хабардор қилсин;

- ижтимоий муҳофазага муҳтож шахслар учун иш ўринларининг қолган қисмини заҳирага қўйиш ташкилот (иш берувчи) томонидан 2021 йилнинг биринчи чораги мобайнида таъминласин, бу ҳақда туман Аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказига биринчи чорак тамом бўлгандан кейин 10 кундан кечикмай хабардор қилсин;

- ҳар ойда ҳисобот ойидан кейинги ойнинг 5-кунигача туман Аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказига "Ижтимоий муҳофазага муҳтож, иш топишда қийналаётган ва меҳнат бозорида тенг шартларда рақобатлаша олмайдиган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларининг энг кам сонини белгилаш ва заҳирага қўйиш тартиби тўғрисида"ги Низомнинг 5-иловасига мувофиқ шакл бўйича ахборот тақдим этсин;

- ижтимоий муҳофазага муҳтож шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринлари тайёрлиги тўғрисида ахборот тақдим этилмаслиги, тенг даражада заҳирага қўйиладиган иш ўринларининг белгиланган сони ҳисобига ишга жойлаштириш учун иш ўринларининг амалда тайёр эмаслиги туман Аҳоли бандлигига кўмаклашиш маркази томонидан туман ҳокимининг қарори бажарилмаслиги сифатида қаралиши лозимлиги қайд этилсин.

6. Туман ҳокимининг ижтимоий муҳофазага муҳтож шахслар учун иш ўринларининг энг кам сонини белгилаш

⊙ **ОГОҲЛИК -ДАВР ТАЛАБ**

НОШУКРЛИК ОҚИБАТИ

Мустақиллик озод ва обод Ватанимизнинг ҳар бир фуқароси ўзлигини, қадр-қиммати, ор-номуси ва ғурурини теран англаши учун чексиз имкониятларни яратиб берди. Айниқса, Бахтимиз Қомусида ҳамма учун виждон эркинлиги кафолатланди. Диний қарашларни мажбуран сингдиришга йўл қўйилмаслиги белгилаб қўйилди.

Лекин айни пайтда турли диний экстремистик оқимлар ўзларининг ғараз мақсадлари йўлида ҳеч нарсадан қайтмаяптилар. Улар дин ниқоби остида бузғунлик, қўпорувчилик ишларининг пайидан бўлмоқдалар. Одамларнинг содда, ишонувчанлигидан фойдаланиб, диний адабиётлар ва варақаларни тақдим этиб, интернет тармоқларидан фойдаланиб, улар онгини заҳарлашга уринмоқдалар. Бу ўз навбатида ношукрлик, инсофсизликдан бошқа нарса эмас. Шунинг учун доимо ҳушёр ва огоҳ бўлишимиз керак. Шундай жиноятларнинг олдини олиш учун ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари, маҳалла фаоллари билан иш олиб бориш мақсадга мувофиқдир.

Чунки, ҳали ҳам орамизда диний экстремистик оқимларнинг алдовларига ишониб жиноят кўчасига кириб, уларнинг топшириқларини бажариб юрганлар йўқ эмас. Масалан, тумандаги Намуна маҳалласида яшаб келган Абдулаҳад Икромов 2019 йилда ўзининг телефон аппарати орқали интернет жаҳон ахборот тармоғининг "телеграмм" мессенжери. "однакласники.ру" сайтларига уланиб, диний каналларга аъзо бўлиб, улардаги диний экстремизм, сепаратизм ва ақидапарастлик ғоялари билан йўғрилган видео, аудио маърузаларини тинглаб келган. Шу йил 2 май куни эса Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги олиб

ҚАРОР ҚИЛАМАН

1. Тумандаги ижтимоий муҳофазага муҳтож, иш топишда қийналаётган ва меҳнат бозорида тенг шартларда рақобатлаша олмайдиган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш жойларининг энг кам миқдорини белгилаш бўйича комиссия таркиби 1-иловага мувофиқ;

2021 йилда мазкур тоифадаги шахслар учун иш жойларининг энг кам миқдори белгиланган корхоналар, ташкилотлар ва муассасалар рўйхати 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. "Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 17-моддасига асосан туманда ижтимоий муҳофазага муҳтож, иш топишда қийналаётган ва меҳнат бозорида тенг шартларда рақобатлаша олмайдиган шахслар (Кейинги ўринларда ижтимоий муҳофазага муҳтож шахслар деб юритилади) учун иш ўринларининг энг кам миқдори (2-илова) ходимларнинг рўйхат бўйича ўртача 378 нафар иш ўрнини ташкил этадиган 10,0 фоиз миқдорида,

шу жумладан:

- ногиронлар учун 3,0 фоиз (112,5 иш ўрни);

- умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларини тамомлаган ёшлар, шунингдек, олий таълим муассасаларининг давлат грантлари бўйича таълим олган битирувчилари учун 3,5 фоиз (131 та);

- ўн тўрт ёшгача ва ногирон болалари бўлган ёлғиз ва кўп болали ота-оналар учун 2,2 фоиз (83 та);

- пенсияолди ёшидаги шахслар учун 0,5 фоиз (18,5 та);

сафарбарлик чақируви заҳирасида хизматни ўтаган ва Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари сафларидан муддатли ҳарбий хизматдан бўшатилган шахслар учун 0,3 фоиз (10 та);

- жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган ёки суднинг қарорига кўра тиббий тусдаги мажбурлов чоралари қўлланилган шахслар учун - уларнинг касбий тайёргарлигини ҳисобга олган ҳолда ёки махсус малакани талаб этмайдиган ;

- одам савдоси қурбонлари учун - уларнинг касбий тайёргарлигини ҳисобга олган ҳолда ёки махсус малакани талаб этмайдиган;

4. Қуйидаги иш ўринлари банд қилиб қўйиладиган касблар ва лавозимлар этиб белгилансин:

муҳандис, иқтисодчи, ҳисобчи, ҳуқуқшунос, зоотехник, агроном, шифокор, ҳамшира, кичик тиббий ходим, иш юритувчи, тарозибон, электрик, фаррош, ўтёқар, ободонлаштириш ишчиси, омборчи, ЭҲМ оператори, юкчи, ишчи, боғбон, қоровул, ўқитувчи.

5. Тумандаги мавжуд корхона, ташкилот ва муассасаларнинг раҳбарлари:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 5 декабрдаги 965-сон қарори билан тасдиқланган "Ижтимоий муҳофазага муҳтож, иш топишда қийналаётган ва меҳнат бозорида тенг шартларда рақобатлаша олмайдиган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларининг энг кам сонини белгилаш ва заҳирага қўйиш тартиби тўғрисида"ги Низомга мувофиқ ушбу қарорнинг 2-иловасида кўрсатилган иш ўринлари ташкил этилишини таъминласин;

2021 йил бошланишидан камида 10 кун олдин, заҳирага қўйиладиган умумий иш ўринлари сонининг камида 25 (йигирма беш) фоизи ижтимоий муҳофазага муҳтож шахсларни ишга жойлаштириш учун заҳирага қўйилишини ва фазага муҳтож шахслар учун иш ўринларининг энг кам сонини белгилаш бўйича ушбу қарори бажарилмаганда, шунингдек, бундай шахсларни ишга қабул қилиш асоссиз равишда рад этилганлиги учун ташкилот, корхона ва муассасаларнинг мансабдор шахсларига нисбатан Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларига асосан маъмурий жавобгарлик белгиланганлиги алоҳида қайд этилсин.

7. Туман Аҳоли бандлигига кўмаклашиш маркази "Ўзбекистон Республикаси Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан субсидия ва грантлар ажратиш тартиби тўғрисида"ги Низомга (рўйхат рақами 3163, 2019 йил 31 май) асосан субсидиялар ажратиб бериш тартиби амалиётга жорий этилганлигини ҳисобга олиб, ижтимоий эҳтиёжманд аҳоли қатламларига мансуб шахсларни квоталанган энг кам сондан ортиқ миқдорда ишга қабул қилган ташкилотларга - ҳар бир ходим учун 12 ой давомида ҳар ойда базавий ҳисоблаш миқдорининг 2 баравари миқдорида ҳақ тўлашни таъминласин.

8. Туман Аҳоли бандлигига кўмаклашиш маркази (И.Арипов) мазкур қарорни беш кун муддатда қарорнинг 2-иловасида кўрсатилган ташкилот, корхона ва муассасаларнинг раҳбарлари эътиборига етказилишини таъминласин.

9. Мазкур қарор "Истиқлол" газетасида расман эълон қилинсин ва туман ҳокимлигининг расмий веб сайтига жойлаштирилсин.

10. Ушбу қарор расман эълон қилинган кундан бошлаб 3 ойдан кейин кучга киради.

11. Мазкур қарор ижросини назорат қилиш туман ҳокимининг биринчи ўринбосари А.Аҳмадалиев зиммасига юклатилсин.

Туман ҳокими **С.МЎМИНОВ**

2020 йил 22 сентябрь,
Тошбулоқ шаҳарчаси.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги олиб кириш, тайёрлаш ва тарқатиш таъқиқланган аудио маъруза материалларни тарқатган.

Бундан ташқари А.Икромов "однаклассники.ру" сайтида махсус профил очиб, жамоат хавфсизлиги ва тартибига таҳдид соладиган материалларни вертуал дўстларига тарқатиб келган. Хуллас диний экстремистик, ақидапарастлик ғоялари билан йўғрилган материалларни тарқатиш жараёнида кўп кишиларнинг онгини заҳарлашга ҳаракат қилган. Ҳар бир жиноят жазосиз қолмаганидек, Абдулаҳаднинг қилмишлари ҳам фош этилиб, суднинг ҳукми эълон қилинди.

Ш. АҲМЕДОВ,
жиноят ишлари бўйича
туман суди раиси.

"МАЙДОН ТОМОШАЛАРИ" ФЕСТИВАЛИ ЧОРЛАЙДИ

2020 йил 18 сентябрда бўлиб ўтган республика видеоселектор йиғилишида Ўзбекистон Республикаси Маданият вазири Озодбек Назарбеков соҳа ходимларига жойларда "Майдон томошалари" фестивали ўтказилиши бўйича йўл-йўриқ ва кўрсатмалар берган эди. Ана шу вазифалар ижроси доирасида туман маданият маркази томонидан шу йил 20 сентябрь куни "Майдон томошалари" фестивали ўтказилди. Унда марказимизда фаолият кўрсатаётган хонанда ва созандалар иштирок этдилар.

Мазкур фестивал ҳафтанинг ҳар шанба ва якшанба кунлари туман маданият маркази биноси олдида давом этмоқда. Навбатдаги фестивал тадбирларида туманимизнинг таниқли санъаткорлари билан бир қаторда иқтидорли ва истеъдодли ёш хонандалар, доирачилар гуруҳи, фольклор жамолари ўз чиқишлари билан томошабинларни хушнуд қилишади.

С .НУРМАТОВА,
туман маданият бўлими мудири.